

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАФФОРОВА МАВЛЮДА ҚУРБОНБОВНА

ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА
ХОТИН-ҚИЗЛАР МАВҚЕИ

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи
(социология фанлари)

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on sociological Sciences**

Ғаффорова Мавлюда Қурбонбоевна

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеи..... 3

Гаффарова Мавлюда Курбанбаевна

Положение женщин в социально-политической жизни Узбекистана 21

Gaffarova Mavlyuda Kurbanbaeva

Status of women in the socio-political life of Uzbekistan..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 41

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.27.06.2017.Ғ.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАФФОРОВА МАВЛЮДА ҚУРБОНБОЕВНА

ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА
ХОТИН-ҚИЗЛАР МАВҚЕИ

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи
(социология фанлари)

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/ Sots5 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa@nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холбеков Абдуғани Жуманазарович
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич
академик

Абдуазимов Оқил Утқурович
социология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____куни соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 1-қават, 117-хона. Тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (+99871) 236-46-55; факс: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Н.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, ф.ф.д.

М.Жакбаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини янада оширишга бўлган эҳтиёж долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Ҳозирги вақтда, «...дунё аҳолисининг 51% ни аёллар ташкил этган ҳолда, уларнинг фақат 5%и давлат ва жамият бошқаруви лавозимларида фаолият юритмоқда»¹. Таъкидлаш керакки, бу эҳтиёж гендер тенглигига эришиш, аёлларга ҳуқуқий муносабатни меъёрловчи амалдаги миллий қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш жамиятда хотин-қизларга нисбатан ижтимоий ёндашувни яхшилашда ўз аксини топмоқда.

Жаҳонда хотин-қизлар мавқеини ошириш, манфаатларини ҳимоя қилиш, оила ва жамиятда уларнинг ўрни ва ролини ошириш, уларнинг давлат ва нодавлат тузилмаларидаги бошқарув жараёнларига фаол интеграциялашувига доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада аёлларнинг давлат ва жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги асосан уларнинг индивидуал саъй-ҳаракатлари асосида кечаётгани, айрим давлатларда уларнинг ижтимоий мавқеини оширишга кўмаклашувчи концептуал ёндашув ёки махсус давлат ва жамият дастурларининг мавжуд эмаслиги алоҳида қайд этилган.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилиб, аёллар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш» вазифаси белгиланган². Бугунги кунда, амалга оширилаётган илмий-ташкилий чоралар таркибида, жумладан, хотин-қизларнинг социал портрети ва уларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеининг мустаҳкамланишига таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур тадқиқ этиш, жамиятдаги ижтимоий тўсиқларни олдини олишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларида белгиланган вазифаларни амалга

¹ «Женщины в бизнесе и управлении». Доклад Международной организации труда. 2017. <http://www.mk.ru/social/2017/01/13/doklad-mezhdunarodnoy-organizacii-truda-dolya-zhenshinrukovoditeley-v-mire-vsego-5.html>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси»нинг веб-сайти – www.lex.uz.

оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг – I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»даги ижтимоий соҳани ривожлантиришга оид концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди³.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеини оширишга қаратилган тадқиқотлар тарихи катта даврни ўз ичига олади. Хорижий олимлар томонидан хотин-қизлар мавқеи мавзусида Кристина Пизанская, Франсуа Мари Аруэ Вольтер, Дени Дидро, Шарль Фурье, Анри Сен-Симон каби олимларнинг илмий тадқиқотларида хотин-қизлар фаоллигининг айрим жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, Г.Силластенинг аёллар ижтимоий мобиллиги, бошқарув тизимида хотин-қизларнинг ўрни; Э.Хитнинг аёллар ва эркалар касбий жамоалари ўзига хослигининг солиштирма таҳлили; Т.Липсет ва Н. Николенколарнинг хотин-қизлар бандлигида иқтисодий омилларнинг роли, аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг гендер масалалари О.Воронина, С.Айвазова, В.Ушакова, Е.Здравомислова, А.Темкина, Е.Кочкина, Л.Попкова, О.Овчарова, Н.Степанова, И.Юкиналарнинг илмий тадқиқотлари асосида ўрганилди. Бироқ, жамият ижтимоий ҳаётида хотин-қизларнинг мавқеини ошириш жараёнига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омилларни комплекс ўрганиш бу соҳадаги ижтимоий тўсиқларни бартараф этиш имкониятларини аниқлаш нуқтаи назаридан ҳозиргача махсус тадқиқ этилмаган.

Буюк аждодларимиз Абу Наср Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат асарларида хотин-қизлар мавқеи масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Алишер Навоийнинг аёлларни улуғлашга, уларнинг мавқеини мустаҳкамлашга бағишланган асарларида: «Ер юзида ўзининг ақл-заковати, мард ва донолиги, гўзал ҳусни, андиша ва сабр-тоқати, меҳр ва садоқати билан дунёга донг таратган аёллар жуда кўплиги»⁴ алоҳида таъкидланади.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини юксалтиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари А.Саидов, М.Восиқова, Ф.Отахўжаев, С.Рашидова, М.Гасанов каби олимлар томонидан ўрганилган. Уларнинг илмий тадқиқотларида Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий мавқеи ва

³ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 592 б.

⁴ Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 152 б.

нуфузини кўтаришнинг ҳукукий жиҳатлари, уларни ижтимоий ҳимоя этишдаги қонунчиликнинг роли таҳлил қилинган.

Хотин-қизлар фаолиятининг ижтимоий-фалсафий, педагогик-психологик жиҳатлари С.Иномова, О.Мусурмонова, М.Холматова, М.Нурматова, О.Нишонава, В.Каримова, Ғ.Шоумаров каби олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Ўзбекистонда раҳбар аёлнинг ижтимоий образи, имижини яратишда социолог олимлардан Р.Убайдуллаева, О.Отамирзаев, М.Бекмурадов, М.Ганиева, А.Холбеков, Ш.Содиқова, О.Абдуазимов, Т.Матибоевларнинг илмий тадқиқот ишларига мурожаат этилган ва айрим таҳлилий мақолаларни ҳисобга олмаганда, улар ўз тадқиқот предметлари доирасида муайян хулосаларга келган бўлсалар-да, лекин мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг мавқеи мавзуси комплекс тарзда ўрганилмаган.

Шу боис, ижтимоий-сиёсий ҳаётда хотин-қизлар мавқеига бағишланган диссертацион тадқиқот ишимиз мавзуси долзарб эканини таъкидлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф1-067 (Ф1-089) «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг назарий-методологик масалалари» (2012-2016 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини ошириш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ретроспектив хусусиятларини очиб бериш;

жамият ижтимоий-сиёсий тузилмасида аёллар мавқеи ва ролини конкрет социологик тадқиқот методлари асосида тизимли ўрганиш;

жамиятни модернизациялаш шароитида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавқеини юксалтириш ва фаоллигини оширишнинг ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш;

замонавий раҳбар аёлнинг социал портрети, хотин-қизлар касб маҳоратини такомиллаштириш ва сиёсий етакчилиги мақомини кучайтиришнинг ижтимоий омилларини очиб бериш;

хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш ва фаоллигини давлат ва жамиятимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ равишда юксалтириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар бериш;

хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлашни такомиллаштиришда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик механизмлари самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

жамиятни модернизациялаш шароитида хотин-қизларнинг давлат ва маҳаллий бошқарув органларидаги раҳбарлик ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишнинг оптимал йўллари илмий асослаш;

жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг мавқеини янада мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти давлат ва жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ижтимоий ўрни ва роли билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига қамраб олади.

Тадқиқотнинг предмети хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий мавқеини илмий ўрганиш ва мустаҳкамлашни тизимли тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, мантикийлик, тизимлилик, ўзаро алоқадорлик, қиёсий таҳлил, сўровнома, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, интервью каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аёллар ижтимоий мавқеи социал мобиллик, дифференциация, сегрегация, стереотип, стигма каби хусусиятлари социал масофа нуқтаи назаридан илмий асосланган;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини оширишда детерминацияловчи объектив ва идентификацияловчи субъектив омиллар аниқланган;

аёлларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини оширувчи «жамоатчилик томонидан эътироф этилиш» ва «яқин қариндош уруғчилик муносабатлари» қадриятлари асосида М.Рокичнинг «Шахс қадриятларини ўрганиш» методикаси модификацияланган;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ўрганишга оид конкрет социологик тадқиқот дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлаш, раҳбарлик ва тадбиркорлик фаолиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти қурилишида аёлларнинг роли, ўрни ва ижтимоий фаоллигини оширишда жамоатчилик фикрини ўрганиш социологик тадқиқот дастури таклиф этилган;

оилавий қадриятлар устуворлигини таъминлаш, оилавий бизнес, тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни ва ролини янада кучайтириш омилларини фаоллаштириш бўйича тавсиялар берилган;

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеи экспериментал ўрганилиб, социология фанида назарий, амалий ва методологик аҳамиятга эга бўлган сўровноманинг модификациялаштирилган шакли ишлаб чиқилган;

халқ қабулхоналарида фаолият юритувчи ходимлардан бири хотин-қизлардан бўлиши ҳамда ушбу хизмат соҳасига социолог-психолог лавозимини жорий этиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатида қайд этилган маҳаллий журналлар ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, тадқиқотларда қатнашган респондентларнинг репрезентативлиги, аниқлиги, олинган эмпирик миқдорларнинг ишончли усулларда таҳлил қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, тадқиқот натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг аҳамияти диссертация ишининг илмий хулоса ва амалий тавсияларидан хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавқеини янада мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий ҳимоялашнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жиҳат-ларини чуқур тадқиқ этиш ва ижтимоий фаоллигини оширишга бағишланган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда социология фанлари бўйича ўтказиладиган илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган ёндашувлар Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, олий ўқув юртларининг бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раҳбарлари, «Оила» илмий-амалий маркази, «Олима» аёллар уюшмаси, «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар ассоциацияси раҳбарлари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчилар, Маънавият ва маърифат марказлари, маданий-маърифий муассасалар ходимлари ҳамда фаолларининг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олинган илмий натижалар қуйидаги фаолиятларга татбиқ қилинган:

«социал мобиллик», «дифференциация», «сегрегация», «мақом», «мавқе», «роль», «стереотип», «стигма» каби тушунчалар мазмунига социал масофа нуқтаи назаридан тасниф хусусидаги тавсиялардан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг «Ўзбекистон хотин-қизларини ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш, раҳбарлик ва тадбиркорлик фаолиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти қурилишида аёлларнинг роли ва ўрни» мавзусидаги комплекс социологик тадқиқот саволномасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2017 йил 6 октябрдаги №11/252-сонли маълумотномаси). Натижада хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлаш, раҳбарлик ва тадбиркорлик фаолиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти қурилишида аёлларнинг роли, ўрни ва

ижтимоий фаоллигини оширишда жамоатчилик фикрини ўрганиш имкони яратилган;

хотин-қизларнинг жамият ижтимоий тузилмасидаги анъанавий мақоми ҳамда уларнинг жамиятдаги социал масофа ва ижтимоий тўсиқларни енгиш омиллари, аёлларнинг ижтимоий ҳаракатчанлик хусусиятлари ва ўзаро фарқланиш омиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Ф1-067+Ф1-089 «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг назарий-методологик масалалари» номли фундаментал лойиҳада (2012-2016) фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривож-лантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2017 йил 10 мартдаги ФТК-0313/268-сонли маълумотномаси). Мазкур лойиҳани бажариш натижасида оилавий қадриятлар устуворлигини таъминлаш, оилавий бизнес, тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни ва ролини янада кучайтиришга қаратилган самарали ёндашувлар ишлаб чиқилган;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасидаги ислохотларнинг янги сифат босқичига кўтарилишида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавқеини янада ошириш омилларининг ментал ва этномаданий хусусиятлари «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази социологик тадқиқот саволномасини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2017 йил 27 сентябрдаги №01-16/323-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеи экспериментал тарзда ўрганилиб, социология фанида назарий, амалий ва методологик аҳамиятга эга бўлган сўровноманинг модификациялаштирилган шакли ишлаб чиқилиши, социологик сўровлар ижтимоий-сиёсий моҳиятининг бойишига, объективлиги ва ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилган;

тадқиқот хулосаларидан А.Замонов ва А.Миркомиловлар томонидан чоп этилган «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи» қўлланмаси яратилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 22 февралдаги 43-сонли маълумотномаси). Мазкур хулосалар ушбу китобда келтирилган социологик сўровларнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини бойитиш, объективлиги ва ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та

мақола (12 та республика ва 2 та хорижий журналларда), 1 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида аёлларнинг жамият ижтимоий тузилмасида эгаллаган ижтимоий-сиёсий мавқеининг тарихий эволюцияси, унинг илмий тадқиқот объекти ҳамда аҳолининг ўзига хос ижтимоий-демографик қатлами сифатидаги мавқеининг трансформациялашувига доир кўплаб тадқиқотларнинг илмий-назарий таҳлили амалга оширилган.

Аёллар ижтимоий-сиёсий мавқеининг мустақамланишига эришиш муаммоларининг тадрижий ривожланишини ижтимоий фанларда тавсифлаш мумкинлиги таҳлил қилиниб, тегишли илмий хулосалар асослаб берилган. Хотин-қизларнинг жамият табақавий тузилмасида эгаллаган мавқеи ва роли, ижтимоий нуфузининг ошиб бориши, улар сиёсий фаолияти намоён бўлишининг социал-ретроспектив жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган. Жамият ҳаётида аёллар мавқеининг юксалиши жараёни даврлаштирилган.

Тадқиқотда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни, эркаклар билан муносабати мезонлари таҳлил қилинган. Ислом дини ижтимоий ҳаётда аёллар имкониятларини бир қадар чеклаган бўлса-да, Мовароуннаҳрда асрлар давомида шаклланиб, кўнникмага айланиб қолган аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги эркинликлари маълум даражада Темурийлар ҳукмронлиги даврининг охиригача сақланиб қолган. Шариат талаблари такомиллашиб борган сари, аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеининг сусайиши уларнинг ижтимоий ҳаётдаги эркинликларини чеклаш тенденцияси кучайиб борди.

Айниқса, XVII-XIX асрларда Туркистонда юзага келган ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётдаги таназзул даврида хурофот, бидъат кўринишлари авж олган. Аёлларни эрларига қарам, уларни ожиза деб, баҳо бериш устунлик қила бошлади. XIX аср охиридан жаидлар миллий истиқлолга эришиш учун

жамиятни янгилашиш, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жараёнларда аёллар ролини оширишни тарғиб қилдилар. Ўтган асрнинг 20-йиллари охирларига келиб, аёллар ва эркаклар меҳнاتини тенглаштириш ғояси авж олди. Хотин-қизларни ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига фаол жалб этиш бошланди.

Дунёдаги ишсизларнинг 60 фоизини аёллар ташкил қилади. Уларнинг 40%и олий маълумотга эга эканлигини таъкидлаш зарур.⁵ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2017 йил 13-24 март кунлари Нью-Йоркда бўлиб ўтган бутун дунё бўйлаб хотин-қизлар мавқеини мустаҳкамлашга бағишланган йиғилишда 47 та мамлакат фуқаролик жамияти институтлари вакиллариининг фаол иштирокида хотин-қизларнинг яшаш шароитларини, турмуш тарзини яхшилаш, мавқеини мустаҳкамлаш йўллариини белгилаб бериш таклифи киритилди.⁶

Жамиятнинг тараққий этиши, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиши каби ижтимоий-тарихий жараёнларда аёллар муаммоси турли кўринишларда юзага келади. Шу сабабдан, «социология» фанида уларнинг давлат ва жамият ҳаётида ижтимоий тўсиқларсиз эркаклар билан тенг шартлар асосида фаол иштирокини қўллаб-қувватловчи илмий-назарий ёндашувлар ишлаб чиқилишига туртки бўлди. Илгари сурилган ёндашувлар таҳлили давомида диссертант жамият ижтимоий тузилмасининг муҳим элементи саналган ижтимоий стратификация инсоннинг ижтимоий ҳаёти қолипларини белгилаб берар экан, унинг бир тури саналган жинсий дифференциация қонуниятлари, аёлларни жамият ижтимоий тузилмаси қуйи поғоналарида турғун ўрнашиб қолишларига олиб келади, ижтимоий мавқеи кўтарилишига тўсқинлик қилувчи сунъий ижтимоий тўсиқларни яратади, деб хулоса қилинади. Хотин-қизлар ҳамон касбий пиллапоялардан кўтарилиш, нуфузли мақомга эгалик қилишлари, ўз салоҳиятларидан келиб чиқиб, объектив эътирофга сазовор бўлишларида қотиб қолган ментал стереотипларни парчалаши, гендер сезувчанликка эришишлари ва эркаклар андроцентризмга бардош беришлари лозим. Шу боис, тадқиқотчи хотин-қизларнинг жамиятда тутган мавқеи, оилавий мавқеи даражаси (демак, эркак мавқеи даражаси) билан белгиланадиган анъанавий стереотиплар элементлари сақланиб қолган замонавий жамият ижтимоий тузилмасида аёлнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини оширишдаги фаоллигини таъминлашида «ижтимоий масофа»ни босиб ўтиши ва индивидуал вертикал мобиллиги таъминланишида сунъий тўсиқларни енгил қобилятини талаб этиши борасидаги хулосаларга келди.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавқеининг ўзига хос хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш тенденциялари ўрганилди, раҳбар аёлнинг касб маҳорати ва сиёсий етакчилик нуфузининг таркибий қисмлари тадқиқ этилди. Бунда хотин-қизларнинг жамият

⁵«Женщины в бизнесе и управлении» доклад Международной организации труда. 2017. <http://www.mk.ru/social/2017/01/13/doklad-mezhhdunarodnoy-organizacii-truda-dolya-zhenshhinrukovoditeley-v-mire-vsego-5.html> -С. 26

⁶ Доклад заседания ООН, посвященный укреплению статуса женщин по всему миру. - Нью-Йорк, 2017.С.-6.

ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки, уларнинг маънавий мустақам-ланишида давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланиши афғолича очиб берилди.

Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш жараёни аёллар «ҳаракат платформаси»нинг тубдан ўзгаришига олиб келди. Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ҳамда интеллектуал савиясини юксалтириш, уларнинг социал, ижтимоий-сиёсий фаоллигини, давлат қурилиши соҳасидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган умуммиллий сиёсатни рўёбга чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари, хусусан, хотин-қизлар масалаларига оид 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон парламентида хотин-қизлар ва болалар масалалари бўйича қўмита фаолият кўрсатмоқда. Ижро ҳокимиятида аёллар нуфузи 3,4 %ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимига 1991 йилда асос солинган, у айна пайтда, хотин-қизлар қўмитасининг раиси ҳам ҳисобланади⁷. Ўзбекистонда 8500 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Ушбу ташкилотларнинг барчасида аёллар ва оила манфаатлари алоҳида йўналиш сифатида ўз аксини топган. Шунингдек, рўйхатга олинган хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 295 тани ташкил этади⁸.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласини ҳал этиш, айнакса, қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастур тайёрланди. Хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти мувофиқлаштирилди.

Мамлакатимиз доимий аҳолиси сони 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра 32млн.120,5 минг кишини ташкил қилди. Шундан 16 121 минг киши ёки 50,2 фоизини эркаклар ва 15 999,5 минг киши ёки 49,8 фоизини аёллар ташкил этади⁹. Бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизи хотин-қизлардир.


Сўнгги йилларда, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партияларда хотин-қизлар фаоллиги кузатилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоларининг 46%и, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партияси аъзоларининг 37,3%и аёллардан иборат. Ушбу кўрсаткич Ўзбекистон Халқ демократик партиясида 48%ни, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясида 51%ни ташкил этади. Шунингдек,

⁷ Бойқўзиева Р. Ўзбекистонда гендер сиёсатининг истиқболи // Хотин-қизлар камситилишига қарши курашининг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-психологик муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2008 йил 12 июнь // Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 113-бет.

⁸ «Аёллар жамоат ташкилотлари Форуми» // <http://wcu.uz/uz/pages/Forum>


⁹ <https://sof.uz/news/show/10534-uzbekiston-aholisi-32-1-mlndan-oshdi> 2017/01/17.

хокимиятнинг вакиллик органларида хотин-қизлар сони ортиб борапти. 2014 йилги сайлов натижаларига кўра, парламент қуйи палатаси депутатлигига 24 нафар (16%) аёл сайланган бўлиб, улар орасида 9 нафар фан номзоди, 7 нафар ҳуқуқшунос бор. Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 %и, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг 23%и аёллардир.




1-диаграмма. Сайлов кампанияларини ўтказишда иштирок этасизми?

Диссертацияда Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеи социологик тадқиқотлар орқали экспериментал ўрганилиб, унга кўра, 94% респондентлар аёлларнинг кам иш ҳақиға қарамасдан ўз иш жойларини тарк этмасликларини бирдирган. 2018 йилда муаллиф томонидан «Аёллар масаласи: умумиҷтимоий ва миллий жиҳатлар» мавзусида Сирдарё ва Тошкент вилоятлари Хотин-қизлар қўмитаси раислари ва фаол аёллар билан сўровнома ўтказилди. Респондентларнинг 32%и ҳуқуқи бузилиши билан боғлиқ муаммолар, 13%и оилавий муаммолар, 13%и турар жой етишмаслиғи билан боғлиқ муаммоларни кўрсатганлар. Аслида касбий қийинчиликлар, бир томондан, аёлнинг ишдаги юкламалари, иккинчи томондан, уйдаги юмушлари билан қўшилиб кетади. Оқибатда аёл кишида чарчаш, асаб бузилиши, зўриқиш, вақтдан ютқизиш, вазифани уддалай олмаслик ва бошқа ҳолатлар юзага келади. Албатта, бундай омиллар аёл кишининг самарали фаолиятига тўсқинлик қилади. Оилавий шароит аёл кишининг профессионал мавқеиға жиддий таъсир кўрсатади. Иш ва оиладаги фаолиятни бирға олиб бориш, маълум маънода, аёл киши фаолиятини чегаралашға, меҳнат лавозимида ўсишнинг мураккаблашувига, ишда қийинчиликларға учрашиға сабаб бўлмоқда.



2 - диаграмма. Аёллар масаласи: умулжтимоий ва миллий жиҳатлар

Шу ўринда, юқорида таъкидланган қийинчиликларни бартараф эта оладиган, яъни ҳам ижтимоий, ҳам маиший вазифаларни бажаришга қодир замонавий аёл қиёфасини тасвирлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Хотин-қизлар ўз кадр-қимматини идрок этишда билиш, тушуниш ва амал қилиш принципларига эгалар, бу ҳол уларнинг манфаатлари, эҳтиёжларини чамалаш, белгилаш ва ўзгалар манфаатларига уйғунлаштиришга олиб келади. Бу эса, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда хотин-қизлар ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши учун қулай муҳитни юзага келади. Ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиш эса интилиш, ҳаракат ва фаолият уйғунлигида ошади. Бу муҳим феномени қуйидаги чизма кўринишда тасаввур қилиш мумкин:




1-чизма. Хотин-қизларнинг ўзини ўзи англаш феноменининг тузилиши

Ушбу моделдан, хотин-қизлар ўз-ўзини англаб етишида фойдаланиш мумкин. Чунки, аёлларимиз Шарқ вакили сифатида ментал хусусиятларга эга ва уларнинг ўзини-ўзи англаб етиши масаласига характерли ёндашув тақозо этилади. Шу туфайли, бу масалада қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этади:

- 1) ижтимоий ҳимоялаш;
- 2) ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- 3) ижтимоий рағбатлантириш.

Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришдир. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш уларга иқтисодий, моддий ва меҳнат унумдорлиги жиҳатидан қулай шарт-шароитлар яратиб беришдир. Ижтимоий рағбатлантириш эса хотин-қизлар бандлигини ошириш, маънавий юксалтириш ва имтиёзлар қўламини кенгайтириб боришдан иборат. Бу масалалар бўйича жамиятимизда бугунги кунда муайян тажриба тўпланди. Эндиликда ана шу тажрибалардан унумли фойдаланиб, мавжуд муаммоларни изчил ҳал қилиб бориш лозим бўлади.

Энг аввало, бундай қиёфани тенг ҳуқуқлилиқни англаш, ўз имконияти ва қобилияти (лаёқати)ни англаган ҳолда жамиятнинг барча жабҳаларида иштирок этиш белгилайди. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, турли ижтимоий роллар нафақат ижтимоий ва меҳнат фаолияти иштирокчиси, балки «уй бекаси» ва «она» вазифаларини уйғунлаштиришни ҳам англаб етиш учун муҳим. Аёллар турли вариантларни танлаб оладилар. Аслида, қўпгина аёллар учун унинг барқарорлиги муҳим аҳамият касб этади.



3-диаграмма. Ўзбекистон ва Латвия хотин-қизларидаги профессионал ва шахсий ҳаётга оид қадриятлар нисбати

Маълумки, Болтиқбўйи давлатлари халқлари миллий истиклолга эришганидан буён Европа Иттифоқининг умумий сиёсати доирасида яшамокдалар. Бу ҳолат уларнинг турмуш тарзи ва қадриятларида яққол намоён бўлмокда. Тадқиқотлар натижаларига кўра, Ўзбекистон хотин-

қизларида ижтимоий фаоллик жамоавийлик қадриятлари негизида намоён бўлса, Латвия хотин-қизлари асосан индивидуал ривожланиш қадриятлар негизида ижтимоий фаолликни рўёбга чиқариш фикрида эканликлари ойдинлашди. Жадвалдан кўриниб турибдики, Латвия хотин-қизлари кўпроқ шахсий ривожланиш мотивларини ифодаловчи мавхум (абстракт) қадриятларни танлаганлар.

Аёл киши ўз шахсий хислатлари ёрдамида аниқ турмуш тарзини ўзи танлаб олади ва бу танланган йўлда улар давлат ва жамият томонидан муайян иқтисодий ва ижтимоий кўмак кутади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимда хотин-қизларнинг фаолият олиб боришларидаги муаммолар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади: «Ўзингиз тасаввур қилинг, қишлоқда яшаётган оналар учун, опа-сингилларимиз учун ўз фарзандини боғчага бериш имконияти қандай янги, қандай кенг шароитлар туғдиради. Бола боғчада соғлом турмуш асосида, мактабга тайёр бўлиб вояга етади. Ҳурматли аёлларимиз боласидан кўнгли тўқ бўлиб, ижтимоий меҳнат билан, уй-рўзғор ишлари билан бемалол шуғулланади. Қолаверса, уларда дам олиш, ўз соғлиғи ҳақида ўйлаш учун озгина бўлса ҳам шароит пайдо бўлади. Шунинг учун мактабгача таълим соҳасида ана шундай улкан ислохотларни ҳаётга жорий этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир»¹⁰. Жамиятда аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги аёл ва эркак ҳақидаги урф-одатларни ўзгартириб юборади. Чунки, бундай ҳаёт тарзи эркакларга хос бўлган тажрибани, қарор қабул қилиш, ўз фикрида қатъий туриш, бўйсунмаслик каби хислатларни талаб этади.

Диссертациянинг «**Жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида жамиятда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги, аёл ва эркак мавқеи ҳақидаги қарашлар тадқиқ этилган. Замонавий аёл ўзгараётган бундай ҳаёт тарзига розидек туюлиши мумкин. Бугунги кунда ишбилармон аёл қиёфаси ҳам айнан шундай жиҳатлар билан бойиб бормоқда. Раҳбар аёлларда шахсий фикрга эга бўлиш, ақлий мустақиллик эркинлиги, асабийлашишни бартараф қила олиш каби фазилатлар шаклланмоқда.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида ташаббускор, машаққатлардан кўркмайдиган ишбилармон аёлларнинг майдонга чиқиши ижтимоий воқеликдаги ижобий тенденциялардан биридир. Демократик ислохотларнинг шаклланиш жараёнида хотин-қизларнинг оиладан ташқарида меҳнат қилиш, жамоат ишларида фаоллик кўрсатиши, раҳбарлик лавозимида фаолият олиб бориши учун имкониятлари кенгайди.

Раҳбарлик лавозимида аёлнинг лавозим пиллапояларидан кўтарилиши осон кечмайди. Чунки, ишбилармон аёл доимо ўзи танлаган иши билан банд

¹⁰ Мирзиёев Ш.М. «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ» Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Тошкент, 2017.

эканлигини исботлаши керак. Замонавий аёлда бир қатор устун жиҳатлар мавжудки, уларни амалга ошириш билан у ўз фаолиятини самарали олиб боровчи раҳбар даражасига эришиши мумкин. Етакчи аёл мавжуд вазиятнинг мураккаб жиҳатларини тўлиқ ҳис эта олади. У жамоадаги ходимлар меҳнатини муносиб баҳолаш ва уларнинг хатти-ҳаракатларини олдиндан сеза билиш хусусиятига эгадир.

Юқори тафаккур, ишбилармонлик, тадбиркорлик аёл табиати учун хос хусусият. Агар эркак киши узоқ муддатли режалар тузишга мойил бўлса, аёл киши аниқ, ишончли, кафолатли натижани шу ерда ва тегишли ҳолатларда кўради. Аёл киши эркак кишига нисбатан ўзи ҳамда ўзгаларнинг хатосини яхшироқ англай олади, у ўз фикри ва ғояларини аниқ ифода қилади, жиддий ишни бошқа нарсадан фарқлай билади. Шу билан бирга, ишбилармон аёлнинг лавозимда ўсишига халакит берадиган асосий тўсиқ муаммоларни ечишда аниқ хулосага кела олмаслик, ўз ҳиссиётига берилиб кетиши ҳисобланади. Шу маънода, тажрибали раҳбар эркакнинг тадбиркор аёлга маслаҳат бериб туриши муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида 2017 йилда мамлакатимиз раҳбар аёлларининг малакасини ошириш ўқув курсида иштирок этган «Раҳбар-аёллар» ўртасида сўровнома ўтказилди. Сўровномада жами 150 дан ортиқ респондентлар иштирок этишди.

Социологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, иштирокчиларнинг фақатгина 5,2 %и ўзининг ҳуқуқий саводхонлигини юқори баҳолаган, 24,9%и уни яхши деб баҳолайди, 47,9 %и уни ўртача деб баҳоласа, 14,6 ва 2,0 % и тегишлича паст ва жуда паст деб баҳолаган. Яшаш жойи (шаҳар, қишлоқ), ёши, маълумоти, ижтимоий ҳолатига боғлиқ равишда ўз ҳуқуқий саводхонлигига баҳо беришида бир қатор тафовутлар кузатилмоқда. Жумладан, шаҳарлик аёлларнинг 26,1 % и, қишлоқда яшовчи аёлларнинг 24,1%и ўзининг ҳуқуқий саводхонлик даражасини «ижобий» деб баҳолаган. Олинган натижалар таҳлиliga кўра, сиёсий ҳаётда иштирок этишни хоҳловчилар орасида мамлакатнинг сиёсий ҳаётига бирор партия ёки ижтимоий ташкилот фаолиятида иштирок этиш орқали таъсир кўрсатишни хоҳловчиларга нисбатан, ўзининг фаол сайлов ҳуқуқидан, яъни овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланадиганлар кўпроқ эканлиги аниқланди. Хотин-қизларга қулай меҳнат шароитини яратиб бериш, ижтимоий ҳимоя қилишда юзага келаётган муаммолар ечими борасида қуйидаги хулосаларга эга бўлинди:

аёлларнинг жамият тараққиётида тутган ўринларини чуқур англашлари учун уларнинг интеллектуал салоҳиятини янада кўтариш мақсадга мувофиқ;

ишлаб чиқариш соҳасида аёлларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар меҳнат низомларидагина қолиб кетмоқда, баъзан ижтимоий ҳаётда эса бунинг аксини ҳам кўриш мумкин.

мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари ривожланишида муайян тафовут мавжуд. Бу ҳолат хотин-қизлар фаолиятида яққол кўзга ташланади. Шаҳар жойларида истиқомат қилувчи аёллар савдо, тиббиёт, таълим ва бошқа

соҳаларда банд бўлса, қишлоқ аёлларининг кўпчилик қисми қишлоқ хўжалик ишлари билан банд.

мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги номутаносибликни пасайтириш учун қатор амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Булар:

қишлоқларда яшовчи аёлларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини янада ошириш мақсадида турли ўқув марказлари ташкил этилмоқда;

қишлоқ жойларидаги маҳаллалар, турар-жой мавзеларида аёлларга хизмат кўрсатувчи маиший хизмат шохобчалари, савдо дўконлари, оилавий дам олиш масканлари, гўзаллик салонлари ишга туширилмоқда;

қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилмоқда. Бу орқали, уй хўжалиги меҳнати билан банд бўлган хотин-қизларни саноат соҳасига кўпроқ жалб қилиш лозим.

ХУЛОСА

«Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеи» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Хотин-қизларнинг жамият ижтимоий тузилмасидаги анъанавий мақомини такомиллашган муаллифлик тавсифи ишлаб чиқилди.

2. Хотин-қизларнинг жамиятдаги социал масофа ва ижтимоий тўсиқларни енгиш мезонлари ишлаб чиқилди.

3. Ижтимоий ҳаракатчанликнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўзаро фарқланиш омиллари ўрганилди.

4. Хотин-қизлар ўртасида, айниқса, туман, қишлоқ ва шаҳарларда ҳуқуқий тарғибот ишларини мунтазам олиб бориш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини жонлантириш лозим.

5. Хотин-қизларга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир ислохотларни давом эттириш, шунингдек, хотин-қизларни давлат ҳокимияти органлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, оилавий бизнесни жорий этиш ва ривожлантириш лозим.

6. Янги иш ўринлари яратиш параметрларининг бажарилиши бўйича тизимли мониторинг ўрнатиш, хотин-қизлар учун иш ўринлари яратишнинг барча мавжуд имконият ва резервларини, маҳаллий саноат хом ашёсини қайта ишловчи кичик корхоналар, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

7. Хотин-қизларнинг тўлиқсиз иш вақти тартибида ишлашини ташкил этиш бўйича имкониятларни излаб топиш ва амалга оширишга эътибор қаратилиши лозим.

8. Бандликнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда хотин-қизлар эҳтиёжларига мос келадиган стационар иш ўринлари яратиш, норасмий секторда турли ишлар бажараётган хотин-қизлар бандлигининг шахсий мониторингини ташкил этиш зарур.

9. Касб-ҳунар коллежларида малакали хотин-қизларни тайёрлаш ҳажмининг иш ўринларини яратиш дастурлари параметрлари ва эгалланган мутахассислик бўйича ишга жойлаштириш имкониятлари билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

10. Ҳозирги вақтда аёллар меҳнатидан, асосан, ишчи кучи кўп ва нисбатан кам меҳнат ҳақи тўланадиган фаолият турларида фойдаланилмоқда. Бу муаммони ҳал этиш учун иш излаш ва топишда қийинчилиги бўлган хотин-қизлар билан ишлашда меҳнат қонунчилигида белгиланган иш билан таъминлаш кафолатларини (иш ўринларига квота ажратиш) амалда янада фаоллаштириш зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.01.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ГАФФАРОВА МАВЛЮДА КУРБАНБАЕВНА

**СТАТУС ЖЕНЩИН В СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ
ЖИЗНИ УЗБЕКИСТАНА**

22.00.02 – Социальная структура, социальные институты и образ жизни

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СОЦИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии и (PhD) по социологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/ Sots5.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации написан на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) и размещен на веб-странице Научного совета (ik-falsafa@nuu.uz) и на информационном образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Холбеков Абдугани Жуманазарович
доктор социологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Абдурахманов Каландар Ходжаевич
академик

Абдуазимов Окил Уткурович
доктор социологических наук

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 1000174, г. Ташкент, улица Университетская, дом 4. Здание факультета социальных наук Национального университета Узбекистана, 1-й этаж, кабинет 117. Тел.: (+99871)227-12-24; факс: (+99871)246-53-21; (+99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Университетская, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 2 этаж, 4-й кабинет. Тел.: (+99871) 236-46-55, факс: (+99871) 246-02-04.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от «__» _____ 2018 года).

Н.Х.Хакимов

Председатель разового научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

Н.Абдуллаева

Учёный секретарь разового научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н.

М.Жакбаров

Председатель научного семинара при разовом научном совете на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Потребность в дальнейшем повышении социально-политического статуса женщин как актуальная проблема стоит на повестке дня всего мирового сообщества. В настоящее время «...51% населения мира составляют женщины, из них только 5% осуществляют деятельность в должностях государственного и общественного управления»¹.

Сегодня проводятся масштабные научные исследования по вопросам повышения статуса женщин, защиты их интересов, повышение роли и места в семье и обществе, активной интеграции их в процессы управления в государственном и негосударственном секторе. Социально-политическая активность женщин в государстве и обществе в основном проявляется на основе индивидуальных стремлений; кроме того необходимо подчеркнуть, что в отдельных государствах отсутствуют специальные государственные и общественные программы или потенциальные подходы, помогающие повышению социального статуса женщин.

В независимом Узбекистане уделяется большое внимание вопросам повышения социально-политической активности женщин, женский вопрос является приоритетным в государственной политике. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены следующие задачи: «Повышение социально-политической активности женщин, усиление их роли в управлении государством и обществом, обеспечение занятости женщин, выпускниц профессиональных колледжей, широкое привлечение их к предпринимательской деятельности, дальнейшее усиление основ семьи». Сегодня большое значение имеет реализация научно-организационных мер, глубокое исследование факторов, оказывающих влияние на укрепление социально-политического статуса, осуществление исследовательских работ, направленных на предотвращение социальных препятствий в обществе².

Данная диссертационная работа в определенной степени служит претворению в жизнь задач, определенных в Указах Президента №УП-4749 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, №УП-5325 от 2 февраля 2018 г. «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением программы научных исследований развития науки и технологий Республики Узбекистан «Духовно-нравственное и

¹ «Женщины в бизнесе и управлении». Доклад Международной организации труда. 2017. <http://www.mk.ru/social/2017/01/13/doklad-mezhdunarodnoy-organizacii-truda-dolya-zhenshhinrukovoditeley-v-mire-vsego-5.html>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси»нинг веб-сайти – www.lex.uz.

культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Научно-методологической основой данного исследования послужили концептуальные идеи развития социальной сферы в Стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан, разработанной под руководством Президента Республики Узбекистан³.

История исследований, направленных на повышение статуса женщин в социально-политической жизни, вбирает в себя хронологически большой отрезок времени.

Изучение некоторых сторон активности женщин в общественно-политической жизни общества было проведено такими выдающимися зарубежными учеными, как: Кристина Пизанская, Франсуа Вольтер, Дени Дидро, Шарль Фурье, Анри Сен-Симон.

Были также изучены результаты исследований вопросов общественно-политического положения и активности женщин в современном обществе, социальной мобильности женщин, их места в системе управления (Г.Силласте), сравнительный анализ профессиональных сообществ женщин и мужчин (Э.Хит), тяжести «двойной ноши» женщин (Т.Свадьбин), экономических факторов занятости женщин в условиях модернизации общества (Т.Липсет и Н. Николенко).

В число ученых, изучивших социально-политическую активность женщин на основе гендерных принципов, можно включить С.Г.Айвазову, В.Г.Ушакову, Е.С.Гриценко, О.А.Воронину, Е.Н.Здравомыслову, Е.В.Кочкину, Л.Н.Попкову, О.Г.Овчарову, Н.Л.Степанову, А.А.Темкину, И.И.Юкину.

